

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ЯҚИН ИТТИФОҚЧИЛИКНИНГ ДЎСТОНА ҚИЁФАСИ

27 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Тожикистон саммитининг иккинчи куни тадбирларида иштирок этиш учун Бухоро шаҳрида бўлди.



Мамлакатимиз етакчиси Бухоро халқаро аэропортида давлат ташрифи билан юртимизда бўлиб турган Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмонни кутиб олди. Шу ернинг ўзида олий мартабали меҳмон шарафига тантанали маросим ташкил этилиб, миллий қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Бухоро. Бу қадим кент асрлар оша илм-фан, маърифат маркази бўлган. Инсонлар дунёнинг тўрт томонидан илм излаб Бухорога келган. Улар доим бу шаҳарда улкан орзулар қилиб, баланд марралар учун илҳом олган. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар сабаб бу тарихий ҳақиқат яна жонлана бошлади. Бу ҳақда бир оз кейин тўхталамиз.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди. “Дил ба ёру, даст ба қор”. Улуғ аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд таълимнинг эзгу тамойили бўлган ушбу шор бизга комил инсон бўлиш ҳақида сабоқ беради. Бу кўнглинг маърифатга тўлиб,

қўлинг, жисму жонинг ҳалол меҳнатда бўлсин, дегани. Бунинг ҳаётий мисоли сифатида биргина Алишер Навоий сиймосини эслаш kifof. Ҳазрат Навоийнинг қалби маърифатга қанчалик кўп йўрилган бўлса, жисмини эл-юрт, халқ хизматида шунчалик кўп бахшида этди. Бундай қадриятлар доим инсонни меҳнатсеварлик ва руҳий покликка даъват этади.

Ўз номи билан аталувчи тариқат асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд дафн этилган ушбу зиёратгоҳ ислом оламининг улуғ қадамжоларидан. Ҳозир унинг таркибида мақбара, хонақоҳ, масжидлар, дахма ва сўфийлик тарихи музейлари бор.

Шундан сўнг мамлакатлар етакчилари Сомониёлар мақбарасига ташриф буюрди. Мақбараларга зиёрат чоғида Қуръон тиловат қилиниб, ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

Бухоро илм-маърифат маркази деб аталмиш бежиз эмас. Биргина Сомониёлар мақбараси ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Масалан, мақбара пойдеворида юқори сифатли пишган гишт шундай шаклда

терилганки, бир қарашда уни китоблар тахлами деб ўйлаш мумкин. Шунинг ўзиёқ ҳар қандай бино, қаддини тик тутган жамият пойдевори, илдини китоб, билим билан мустаҳкам эканига гўзал ишора.

IX аср охири — X аср бошларида қурилган Сомониёлар мақбараси Марказий Осиёдаги пишиқ гиштдан бунёд этилган энг қадимий иншоотлардан бири. У Сомониёлар давлати асосчиси ва биринчи хукмдори Исмоил Сомониё томонидан сулолавий мақбара сифатида бунёд этилган.

Ушбу меъморий обида диёримиз тарихини ўзида мужассам этгани билан ҳам аҳамиятли. Мақбарадаги ўзига хос меъморий ечим ислом ва ундан аввалги давр аъёнларини, жулмадан, сўғ маданиятига хос нақшларни акс эттиради. Бу ҳам, юқорида таъкидлаганимиз, халқимиз маърифатининг илм-фан билан уйғунлигини кўрсатади. Бунга яна бир исбот, қуёш нурунинг тушишига қараб мақбара нақшлари турлича жилланади. Бинонинг куб ва гумбаз шаклидаги композицияси Ер ва Осмон уйғунлигининг рамзий ифодасидир. Деворлар юқори сифатли гиштдан,

қарийб икки метр қалинликда терилгани учун ҳам маъмур ноёб ёдгорлик ҳозиргача яхши сақланган.

Тарихий ва маърифий аҳамияти сабаб меъморий обида доим юртимизга келган сайёҳлар билан гавжум. Қуёш тиккага келиб улгурмай Сомониёлар мақбараси атрофида турли давлатлардан келган кўплаб миллий вакиллари унга ҳавас ва ҳайрат билан боқадди. Улар орасида немислар ҳам, ҳинду хитойлар ҳам бор. Ўзимизнинг акаларимиздай узун бўй, эгнига ятак илган йигит келиб бизни саволга тутди. Тожики тили бу биродаримиз кўшни давлатдан келган экан. У гилдан мақбара ҳақидаги маълумотларни эшитиб, ўз тилида “Катта тарих, улуғ жойлар”, дея ҳайратланади.

Бейхитёр Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари ёдга тушади. Ўн йил аввал қардош ва қўшни халқлар бир-бирини симтўсиқ ортидан ҳам кўра олмади. Ўзи истаган пайтда турли оилавий тадбирларига бориб келиш имконис эди. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар сабаб бутун давлатларимиз ўрта-сидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари янги босқичга чиқди. Ана шундай ўйлар бизни Арк қўргони сари бошлайди.

Ташрифнинг навбатдаги манзилларида Президент Эмомали Раҳмон Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Арк қўргони, Пои Калон ва Лабиҳовуз мажмуалари билан танишди.

Арк қўргони Бухоронинг қадимий қалъаси. У қарийб 1500 йил давомида хукмдорлар қароргоҳи сифатида хизмат қилган. Қалъанинг дастлабки бинолари миллоддан аввалги IV-III асрларга мансуб. Унинг ҳозирги кўриниши асосан XVI асрда шаклланди. Илгари у саройлар, маъмурий бинолар, қуролхонани ўз ичига олган “шаҳар ичидаги шаҳар” бўлган. Ўрта асрларда бу ерда Рудакий, Ибн Сино ва кейинчалик Умар Хайём каби буюк мутафаккирлар яшаб, ижод қилган.

Пои Калон мажмуаси Бухоронинг энг улуғвор ва машҳур меъморий ансамбллари билан бири сифатида тожикистонлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. 45,6 метрли минора 1127 йилда қурилган. Мажмуа таркибида 12 минг киши сигади ҳам жоме масжид, ислом оламининг энг нуфузли таълим муассасаларидан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасаси бор. Масжид ҳовлисини ўраб турган 288 та гумбазли галерея, юзлаб ёстунлар ва ноёб акустика мажмуага алоҳида улуғворлик бағишлайди. Бу ерга бир марта ташриф

бўрган киши яна келишни истайди. Чунки бу ердаги муҳит вақт машинаси вази-фасини ўтаб, сизни бир лаҳзага тарих билан юзлаштиради. Бу туйғу яна бир қадим манзил — Лабиҳовуз сари етаклайди.

Лабиҳовуз ансамбли Бухорода сақланиб қолган, ўрта асрларга оид санокли майдонлардан бири. Унинг марказида қадимий ҳовуз жойлашган. Асрлар давомида шаҳар аҳолиси бу ерда дам олган, суҳбатлашиб ўтирган ва савдо қилган. Ҳозир ҳам бу манзилга келган киши айнан шу муҳитни ҳис қилиши, дилтортар суҳбатдош ила мириқиб ҳордиқ чиқариши мумкин. Унга туташ қадимий бино ёнида эса савдо расталари сайёҳлар ва юртдошларимиз хизматида. Мажмуа таркибида Кўкалдош мадрасаси, Нодир девонбег мадрасаси ва хонақоҳ каби ноёб обидалар бор.

Тожикистон етакчиси ҳар бир тарихий обиданинг бадиий уйғунлиги, миллий ҳунармандлик намуналари ва тарихий экспонатларга катта қизиқиш билдирди. Олий мартабали меҳмонга меъморий услубнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, нақшлар ва рамзларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бухоронинг бой тарихи, Буюк ипак йўлидаги ўрни, илм-фан ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи бу қадамжолар Тожикистон делегациясида чуқур таассурот қолдирди.

Мақоламиз аввалида янги Ўзбекистондаги ислохотлар сабаб тарихий ҳақиқат яна жонлана бошлагани ҳақида айтган эдик. Бу ҳақиқат шундаки, янги Ўзбекистон дунёга тинчлик, маърифат ва юқори интеллект асосидаги ривожланиш ташаббусини илгари сурмоқда. Аини пайтда янгиланишлар жараёни ушбу ташаббусга ҳамроҳ тарзда кечмоқда. Буни яқиндаги на расман очилган Ислом цивилизацияси маркази мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундай ислохотлар сабаб мамлакатимизда иқтисодий тармоқлар жадал ривожлантипти. Негаки тадбиркорлик кенг йўл очилиб, хориклик сармоядорлар учун барча шароит яратилган. Шу тариқа илм ва маърифат иқтисодий қувватлар билан мустаҳкам асосга эга бўлиб борапти. Буни Бухоро вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мамлакатлар етакчиларининг навбатдаги манзили — Бухоро вилоятидаги “Мергантек” пахта-тўқимачилик кластери таркибидаги “Нигора” фабрикаси фикримизнинг яққол далили.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида ушбу фабрикада

бўлиб, мамлакатимиз энгил саноати имкониятлари билан танишди.

Фабрика қиймати 35 миллион долларлик лойиҳа доирасида ташкил этилган. Бу ерда пахта хомашёсини қайта ишлашдан тортиб, мато ва кийим-кечак тайёрлашга бўлган узлуксиз ишлаб чиқариш занжири йўлга қўйилган.

“Shoyigul” савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган тикув-трикотаж ва тайёр кийимлар Европа мамлакатлари, хусусан, Италия, Австрия, Буюк Британия ва Германияда ҳам танилиб бормоқда. Чунки маҳсулотнинг асосий қисми ушбу давлатларга экспорт қилинади. Лойиҳа сабаб 840 та иш ўрни яратилган. Бу жойда, асосан, маҳаллий аҳоли вакиллари, ёшлар ва аёллар меҳнат қилмоқда. Бу ҳам мамлакатимизда инсон кадрини улуглашга қаратилган янгиланишлар самарасидир.

Корхонанинг техник имкониятлари халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Чунки ундаги юқори технологик ускуналар бозорни жиҳдий таҳлил қилиш асосида Хитой, Германия ва Бельгиядан олиб келинган. Лойиҳанинг иккинчи босқичида синтетик тола ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Олий мартабали меҳмонлар корхонани шоу-румни ва тайёр маҳсулотлар намоишини кўздан кечирди.

Йилига 10 миллион долларлик экспорт қилаётган фабрика маҳсулотларининг сифати Тожикистон делегацияси томонидан юқори баҳоланди.

Президентлар мамлакатларимизнинг илгор корхоналари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунинг билан Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга қилган давлат ташрифи ўз ниҳоясига етди. Қуни кеча давлат раҳбарлари тор доирада музокара ва Олий давлатларо кенгашининг биринчи йиғилишини ўтказдилар, қўшма лойиҳаларга старт бердилар. Учрашувлар якунида икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Бухоро халқаро аэропортида мамлакатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмонни кузатиб қўйди.

Давлатимиз раҳбари Бухорога сафарини якунлаб, Тошкентга қайтиб келди.

**Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## СОҒЛОМ ЖАМИЯТ, БАҚУВВАТ МИЛЛАТ ВА ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМ

Янги қонун



Сўнгги йилларда юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борадаги кенг қўламли ислохотлар доирасида спорт инфратузилмаси ривожлантирилди, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этувчи спортчилар тайёрланди.

Ўтган тўрт йилда спортни ривожлантириш, соҳадаги муаммолар ечимини таъминлаш ва инфратузилмасини кенгайтиришга оид 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Республикаимиздаги аҳолининг кенг

қатламлари, шунингдек, ёшларни оммавий спортга жалб этиш тизими йўлга қўйилди. Натيجида аҳолининг оммавий спортдаги қамрови йилдан йилга ортиб бормоқда.

► Давоми 2-бетда

## Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

### БАРЧА СОҲАДА ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Қашқадарё — бағрикенг, дангал сўзли, лафзи халол, ғурури баланд ва меҳнатқаш одамлар юрти. Бизнинг еримиз унумдор, аҳолимиз ташаббускор, ёшларимиз ғайратли. Шу билан бирга, вилоятимизда иш ўринларига талаб юқори, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи долзарб. Маҳаллаларда ижтимоий муаммоларни жойида ҳал қилиш талаб этилади.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан кейинги 8 йилда чиқарилган қарийб 1700 ҳужжат (фармон, қарор, фармойиш ва баён) доирасида Қашқадарё вилояти бўйича 16 мингга яқин топшириқ берилган. “17go.gov.uz” тизими орқали ҳар бир топшириқ ижроси назоратга олинган.

Ушбу тизимнинг жорий этилиши топшириқнинг ижросини мuddати тугамай, жараёнда таъминлаш, муаммо бўйича амалий ёрдам кўрсатиш имконини бериш баробарида аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.



Ўтган йили 776 маҳаллада “маҳалла еттичилиги” аъзолари 120,5 мингга яқин муаммо ва муурожаатни кўриб чиқди. Уларнинг 91 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этилди.

Аҳоли фаровонлиги. Президентимизнинг Олий Мажлиси ва юртдошларимизга

Муурожаатномасида қайд этилганидек, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжихат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида маҳаллаларни

меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, тарбия ва энг муҳими, адолат масканига айлантириш йўналишидаги фаолиятимиз кўлами янада кенгайди.

► Давоми 3-бетда



Нуқтаи назар

МУШТАРАК МАНФААТЛАР ИККИ ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МУСТАҲҚАМ АСОСИ

Марказий Осиё бугун жаҳон сиёсий ва иқтисодий харитасида тобора муҳим аҳамият касб этаётган ҳудудга айланмоқда. Бундай шароитда қўшни давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч, прагматик ёндашув ва манфаатли ҳамкорлик алоқалари нафақат икки томонлама муносабатлар, балки бутун минтақа барқарорлиги учун ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган очик ва конструктив ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг яқин кўшнлари билан муносабатлари мутлақо янги босқичга чиққанини алоҳида таъкидлаш жоиз.



Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси

Хусусан, Тожикистон билан муносабатларда кузатилаётган ижобий динамиканинг сўнгги йиллардаги энг катта ютуқлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Илгариги мураккабликлар ва тўсиқлар ўрнини бугун ўзаро ишонч, мулоқот ва амалий ҳамкорлик эгаллагани нафақат сиёсий ирода, балки узоқни кўзлаган стратегик ёндашув самарасидир.



Икки давлат ўртасидаги яқинлашув тасодиф эмас. У аниқ режа, изчил дипломатия ва ўзаро манфаатларни тўғри аниқлаш натижасида шаклланимоқда. Бугун Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари фақат расмий баёнотлар билан чекланиб қолмапти, балки реал иқтисодий, ижтимоий-гуманитар натижаларда намоён бўлмоқда. Иқтисодий кўрсаткичлар бу фикрни яққол тасдиқлайди. Сўнгги йилларда ўзаро савдо ҳажмининг бир неча баробар ошгани, бизнес алоқаларининг фаоллашгани ва қўшма лойиҳалар сони ортиб бораётгани ҳамкорликнинг амалий мазмун касб этаётганини кўрсатади. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, иқтисодий алоқалар фақат рақамларда эмас, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда ҳам акс этмоқда. Саноат кооперациясининг ривожланиши бу жараённинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Турли соҳаларда қўшма корхоналар ташкил этилаётгани, ишлаб чиқариш занжири ўзаро боғланаётгани ва янги технологиялар жорий қилинаётгани иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштирмоқда. Энг муҳими, бу жараён янги иш ўринлари очиб орқали аҳоли бандлиги ва даромадининг ошишига хизмат қилмоқда. Транспорт ва логистика соҳасидаги ўзгаришлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Илгари чекланган ҳаракат имкониятлари бугун анча кенгайган. Автомобиль ва темир йўл қатновларининг тикланиши, янги йўналишларнинг очилиши ва авиақатновлар сонининг ортиши икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни жадаллаштирди. Бу эса иқтисодий фаолликни оширибгина

қолмай, одамлар ўртасидаги мулоқотни ҳам сезиларли даражада кучайтирди. Чегаралар очиклиги ва қўлай шарт-шароитлар яратилиши натижасида оддий фуқароларнинг ўзаро борди-келдиси анча енгиллашди. Визасиз режим, чегара пунктларининг қайта ишга туширилиши ва транспорт қатновларининг тикланиши инсонлар ҳаётида реал енгиллик яратган муҳим қадамлардан. Бу ҳолатни халқ дипломатиясининг энг самарали кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Энергетика ва ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик эса ўзаро манфаатли муносабатларнинг яна бир муҳим устуни. Электр энергияси алмашинуви, табиий ресурслар етказиб бериш ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш икки мамлакат иқтисодий ҳаёти янада мустаҳкам боғламоқда. Бу эса ўз оқибатини рақобатдорлиқ учун муҳим кафолатдир. Туризм соҳасида фаоллик ошиши ҳам эътиборга молик. Ўзаро сафарлар сонининг кўпайиши халқларимиз ўртасида ишонч ва қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатади. Туризм фақат иқтисодий фойда манбаи эмас, балки маданий яқинлашув ва ўзаро тушунишни муҳим воситаси эканини ҳисобга олсак, бу йўналишнинг аҳамияти янада оидинлашади. Шу йил 26 март куни Кўксарой қароринида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомалӣ Раҳмон ўртасида бўлиб ўтган музокаралар ушбу ижобий жараёнларни янги босқичга олиб чиқди. Олий давлатларо

кенгашининг ташкил этилиши муносабатларни тизимли равишда ривожлантириш учун мустаҳкам институционал асос яратди. Бу форматнинг жорий этилиши, назаримизда, стратегик жиҳатдан тўғри қадам. Чунки у икки томонлама ҳамкорликни тасодифий ёки эпизодик эмас, балки режалли ва узуқсиз жараёнга айлантиради. Бундай ёндашув эса катта натижаларга олиб келиши табиий. Шу билан бирга, гуманитар алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Таълим, фан, маданият ва ёшлар алмашинуви соҳаларидаги ҳамкорлик келажак авлод учун мустаҳкам пойдевор яратади. Чунки бугун шаклланаётган муносабатлар эртанги куннинг ижтимоий муҳитини белгилайди. Умуман, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги бугунги яқинлашув фақат икки давлат доирасидаги ҳодиса эмас. У бутун Марказий Осиё учун намуна бўла оладиган ҳамкорлик моделига айланмоқда. Чунки бу ерда қарама-қаршилик эмас, балки мулоқот, рақобат эмас, шериклик устуворлик қилмоқда. Етакчилар ўртасидаги ишончли мулоқот ва сиёсий ирода натижасида шаклланаётган янги форматдаги муносабатлар узоқ муддатли тараққиётга хизмат қилади. Энг муҳими, бу жараён реал натижалар — иқтисодий ўсиш, янги имкониятлар ва аҳоли фаровонлигида самарасини кўрсатмоқда. Бугунги беқарор глобал муҳитда айнан шундай ёндашув, яъни очиклик, ўзаро ҳурмат ва амалий ҳамкорлик энг тўғри йўл эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

СОҒЛОМ ЖАМИЯТ, БАҚУВВАТ МИЛЛАТ ВА ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМ



Янги қонун



Адхам ИКРОМОВ, спорт вазири

Бошланиши 1-бетда

Яна бир муҳим жиҳат. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан бирга ногиронлиги бўлган шахсларни оммавий спортдаги қамрови 71 минг нафарга олиб чиқилди. Чекка ҳудудларда жойлашган ва спорт инфратузилмаси ривожланмаган маҳалларда намунавий типдаги қариб 2 мингта яқин спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу, ўз навбатида, маҳалла ёшларини оммавий спортга жалб қилишда кенг имкониятлар яратмоқда.

Соҳада очиклик ва шаффофликни таъминлаш учун 24 та ахборот тизимини ўз ичига олган "ERP-Sport" ягона бошқарув тизими ишга туширилиб, 14 та вазирлик ва идора тизимига интеграция қилинди. Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилдан юртимизда паралимпия ҳаракатига эътибор кучайтирилди. Натижада бу йўналишда профессионал шугулланувчилар қамрови 11 минг нафарга, соҳадаги мураббийлар 1250 нафарга ва миллий терма жамоалар захираси 1500 нафарга етди.

Бу эса, ўз навбатида, Париж-2024 Паралимпия ўйинларида ҳамда ёшлар Дубай шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Парасиё ўйинларида параспортчиларимиз юқори марраларни эгаллашида муҳим аҳамият касб этди.

Бу ишлар спортнинг ҳар бир йўналишида, жумладан, таълим, селекция, тиббиёт, инфратузилма, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш — барча-барчасида юқори натижаларни қўлга киритишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида қайд этиш керак.

Жорий йилда нафақат Осиёда, балки дунёда ноёб бўлган Олимпия шаҳарчаси барпо этилгани ёки уч босқичли селекцияга ихтисослашган Президент Олимпиадаси мусобақалари тизими йўлга қўйилгани янги Ўзбекистон спорт мамлакатига айлантириш борасидаги ислохотларнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Бироқ бугунги спорт соҳасидаги ислохотларни қонун даражасида мустаҳкамлаш ва халқро спорт ташкилотлари жорий этган янгида янги қонун билан тақомиллаштириш зарурати мавжуд бўлиб, 2015 йилда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун бугунги кундаги янгилашлар ва талабларга тўлиқ жавоб бермай қолган эди.

Хусусан, унда оммавий спортни ривожлантириш, спорт федерацияларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ногиронлиги бўлган шахслар спорт, спортда ҳалолликни таъминлаш каби қатор муҳим масалалар қонун даражасида тўлиқ акс этмаганди.

Шунингдек, амалдаги қонун билан спорт турларини эътироф этиш, спорт федерацияларини реестрга киритиш тартиби, келишилган ўйинларга қарши курашиш каби масалалар тартибга солинмаган эди. Спортчи, мураббий, спорт ҳаками, спорт агенти ва бошқа спорт мутахассисларининг, Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаганди.

Амалдаги сурдлимпия, махсус олимпия, кўзи оқизлар спорт ва бошқа адаптив спорт турларини ташкил этиш тартиби, мақсад, вазифалари ҳам 2015 йилда қабул қилинган қонунда ўз аксини топмаган эди.

Мавжуд муаммоларни бартараф қилиш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги



ўзгариш ва янгиликларни амалиётга таъбиқ этишда ягона ёндашувни таъминлаш учун ушбу қонунни янги таҳрирда қабул қилишга зарурат сезилди.

Шу боис, янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси асосида спорт мутахассислари иштирокида ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Мазкур қонун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан тақомиллаштириш, уни замон талаблари асосида янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бу ҳужжатнинг энг муҳим жиҳатларидан бири аҳолини оммавий спортга кенг жалб қилиш механизми аниқ белгилаб берилганидир. Энди оммавий спорт ташкил этилади, жисмоний фаолликни оширишга қаратилган дастурлар амалга оширилади. Бу эса аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қонунда спорт турларини эътироф этиш ва уларнинг давлат реестрини юритиш тартиби ҳам тақомиллаштирилди. Бу орқали

спорт турларини ривожлантиришда ягона ёндашув таъминланади, соҳадаги бошқарув тизими янада шаффофлашади.

Ҳужжатда спортда ҳалоллик ва адолат тамойилларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, спорт мусобақалари натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳолатларига қарши кескин чоралар белгиланган. Бу эса келишилган ўйинлар ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, қонунда паралимпия ҳаракати, шунингдек, Миллий паралимпия қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Қолаверса, юқорида қайд этганимиз сурдлимпия, махсус олимпия, кўзи оқизлар спорт ва бошқа адаптив спорт турларини ривожлантириш масалалари ҳам қонун даражасида мустаҳкамланди. Бу эса инклюзив спортни ривожлантириш, барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратишда долзарб аҳамиятга эга.

Энг муҳими, янги қонун спорт федерациялари, спорт клублари ва лигаларининг ҳуқуқий мақоми белгилаб, фаолиятини тартибга солади. Федерацияларни реестрга киритиш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқарув тамойиллари аниқ кўрсатилгани соҳада тартиб-интизомни кучайтиради.

латларнинг спорт соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун 8 та боб ва 65 та моддадан иборат бўлиб, амалдаги қонуннинг 44 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек, соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиргани назарда тутуви 18 та янги модда қўшилди.

Энг муҳими, мазкур ҳужжатда бугунги кунда амалиётда мавжуд бўлган айрим ноаниқликлар ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, вазирлик ва идораларнинг ҳамда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг соҳага оид вазифалари аниқ белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда спорт соҳасидаги субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, тизимда бошқаришни замонавий механизмлари жорий этиш, спорт федерациялари ва профессионал спорт клублари бошқарувиغا бошқича-босқич тадбиркорларни ҳамда хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг "Спорт соҳасини молиялаштириш механизмига тақомиллаштириш ва соҳага тадбиркорлик субъектларини жалб қилишни кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарориди ҳам аини йўналишдаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, илк бор мураббийлар, спорт ҳакамлари ва спорт агентларининг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида мустаҳкамланди. Бу эса спорт соҳасида профессионал кадрлар тайёрлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Яна бир муҳим янгилик. Допингдан фойдаланишга қарши курашиш ва унинг қўрилиши олдини олишнинг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилди. Спортда допингдан қўллаб-қувватлаш жағмараси ташкил этилди. Ушбу жағмарга йўналтириш учун зарур маблағлар давлат бюджети параметрларида кўзда тутиб борилиши таъминланади.

Шу билан бирга, қонунда давлат органлари, хусусан, Вазирлар Маҳкамаси, Спорт, Соғлиқни сақлаш, Мақтабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари аниқ белгиланди. Бу эса соҳадаги бошқарув самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги қонунни ишлаб чиқишда Хитой, Франция, Германия, Италия, Испания, Венгрия, Россия, Қозғоғистон, Беларусь, Япония, Жанубий Корея каби дав-

Мазкур қарорнинг асосий мақсади спортни молиялаштиришнинг замонавий механизми ва муқобил молиялаштириш механизми жорий этиш, ажратилаётган маблағлар йўналтирилишини марказлаштириш, бюджет маблағлари ҳажмининг кенгайтириш ҳамда самардорлигини оширишдан иборат.

Қарор билан Спорт вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Спорт соҳасида ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жағмараси ташкил этилди. Ушбу жағмарга йўналтириш учун зарур маблағлар давлат бюджети параметрларида кўзда тутиб борилиши таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун ҳамда қарор соҳани янада ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортга оид муносабатларни тизимли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини омаллаштириш, ёшларни жисмонан бақувват этиб камол топтириш, спортни халқро стандартлар асосида ривожлантириш ва янги Ўзбекистоннинг жаҳон спорт майдонидаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

ДАВРГА МОС ИМКОНИЯТЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА

Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани тарихида ҳар куни янги бир саҳифа очилмоқда. Илгари туманда ишлаб чиқариш корхоналари кам, аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари чекланган, инфратузилма ривожланмаган эди. Ҳозир ҳудуд иқтисодий қувватини ошириш мақсадида катта ҳажмдаги инвестиция киритилмоқда. Натижада янги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиляпти.

Камбағалликдан холи ҳудуд



Бу, ўз навбатида, минглаб янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли бандлиги таъминланишига хизмат қилмоқда. Замонавий таълим муассасалари, мактаблар ва боғчалар, тиббиёт муассасалари, йўл, ичимлик сув, электр энергияси, турли муҳандислик-коммуникация тармоқлари босқичма-босқич яхшиланмоқда. Қишлоқ ва маҳалларда обод бўлиб, аҳолига янада қўлай шароитлар яратилляпти.

қўрилишига келтирилди. Шунингдек, ушбу ҳудудга 100 га яқин тунги ётиш чироғи ўрнатилди. Туман ҳудудидан ўтган давлат аҳолига эга 19 километр йўл асфальтланди. Ички йўллар ҳам таъмирланди. Қатор ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди. Натижада Бандихон замонавий ва кўркам қиёфа касб этиб бормоқда.

Бандихон, Бойсун ва Қўмқўрғон туманлари туташган ҳудуддаги бозор ҳар учала ҳудуд аҳолиси учун муҳим савдо маскани. Бироқ вақт ўтиши билан унинг имкониятлари ва санитар ҳолати замон талабларига жавоб бермай қолди. Шу боис, бозорни замонавий талаблар асосида қайта қуриш мақсадида Тангимуш ҳудудидан 60 гектар ер ажратилди. Янги лойиҳани амалга ошираётган тадбиркор адирини текислаб, замонавий дўклар ва савдо расталари барпо этиш учун қўлай майдон яратишга киришган. Бу ишларга 1 миллиард 200 миллион сўм йўналтирилмоқда.

— Лойиҳамиз 2 босқичда рўёбга чиқарилади. Биринчи босқичда 22 та лот, иккинчи босқичда эса 24 та лот ишга туширилади. Натижада 3 мингта яқин иш ўрни яратилиши ҳамда бюджетга 20 миллиард сўмга яқин маблағ тулиши кутиляпти, — дейди тадбиркор Тошпўлат Тўрабоев. — Шу кунларда ҳудудда 2 минг куб метр сизимга эга сув тўплаш иншооти, 12 километрга ичимлик сув, 10 километрга табиий газ, 15 километрга электр энергияси тармоқларини тортиш ҳамда 4 та трансформатор ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

Янги бозор келгусида нафақат уч туман аҳолиси, балки бутун ҳудуд учун қўлай ва замонавий савдо марказига айланиши кутиляпти. Бозор жойлашган Обикор маҳалласида ҳам сўнгги йилларда инфратузилмани яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳалла ҳудудига бетон йўл ётказилиб, тунги ётиш

чироқлари ўрнатилди. Пиёдалар учун алоҳида йўлакчалар ташкил этилди. Натижада маҳалла қиёфаси ўзгариб, ашаш учун янада обод ва шинам муҳит шаклланимоқда. Маҳалла нурунийларининг таъкидлашича, Обикордаги бундай ишлар аҳоли турмушида ҳам сезиларли ўзгаришлар ясапти. Мавжуд муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб, маҳалла тобора обод ва кўркам масканга айлиниб бормоқда.

Маҳалла марказидан ўтган автомобиль йўлининг икки томони бўйлаб ўрнатилган тунги ётиш тизими йўлларда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайди. Пиёдалар йўлакчаси эса болалар, ёшлар ва кексалар учун янада хавфсиз муҳит яратади. Бу таълим олувчилар ва ота-оналар учун ҳам катта қулайлик.

Бандихондаги иқтисодий ўсиш туфайли Обикор маҳалласида камбағаллик даражаси сезиларли даражада пасайган. Иш билан таъминланиш ва замонавий инфратузилма яратилиши маҳалладаги ҳар бир оила турмушига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар сафи кенгайиб, янги иш ўринлари яратилиб, аҳолида эртанги кунга ишончли янада кучайтиряпти.

Туманда тўқимачилик саноати ривожланиши ҳудуд иқтисодий салоҳияти ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, бу ерда сунъий ва пахта толаси аралашмасидан ип-калава ишлаб чиқариш мақсадида умумий қиймати қариб 188,7 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилди.

Бандихон ва Музработ туманларида йилга қариб 20 минг тонна пахта етиштирилади. Корхона ушбу маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган. У тўлиқ қувватда ишга туширилиши натижасида 300 аёл ва ёш дамий иш билан таъминланади.

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

Барча соҳада ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш бош мақсадимиз



Муротжон АЗИМОВ, Қашқадарё вилоят ҳокими, сенатор

Бошланиши 1-бетда

Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартриш йўналиши бўйича воҳамизда тизимли ишлар қилинмоқда. Асосий мақсадимиз — одамларни доимий даромадди қилиш.

2025 йилда 518 минг кишини даромадли меҳнат билан банд қилиш режалаштирилган эди. Амалда 578 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди ва бу жиҳат солиқ базасида ўз аксини топди. Шу орқали ишсизлик даражаси 4,9 фоизга туширилди. Ишсиз ва иш қидираётган 30 мингта яқин фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорлик йўналишида ўқитилди. Бу борада белгиланган режа 128 фоиз бажарилди.

Утган йили “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида 1061 гектарда юқори даромадди ва экспортбоқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича 93 та лойиҳа амалга оширилди.

Вилоятда жорий йил 507 минг кишини доимий ишга жойлаштириш, даромадини ошириш ва яширин иш ўринларини соядан чиқариш бўйича соҳалар, йўналишлар кесимида режалар ишлаб чиқилган.

2025 йилда вилоятда 32 минг 880 оилани камбағалликдан чиқариш белгиланган эди. 167 мингта оиланинг турмуш шароити ўрганилиб, уларнинг 87 мингтаси камбағал оилалар реестрига киритилди. Шунингдек, 61 минг 800 оилага барқарор бандлик йўналишида қарийб 111,5 мингта хизмат кўрсатилди.

Реестрда турган 53,5 мингдан орტიқ оила аъзолари камбағалликдан чиқарилиди. Камбағаллик даражаси 9,6 фоиздан 6,5 фоизга туширилди. Вилоятдаги 60 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айланган.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида вилоятдаги 1414 рақбарга 7070 та камбағал оила бириктирилди. Мазкур оилаларга 10 минг 600 бошга яқин чорва, парранда, озиқ-овқат маҳсулотлари, дархат кўчатлари, кийим-кечак етказиб берилди ҳамда уй-жойини таъмирлаш учун ҳоимийлик ёрдами кўрсатилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 19-20 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи давомида берган топшириқлари асосида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартриш бўйича Қамаш тажрибаси ишлаб чиқилди. Натيجада 28 мингта яқин камбағал оила, маҳалла раиси ва банк ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди ва хизматлар бириктирилди. 90 та оғир маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш учун 300 миллиард сўм маблағ ажратилди.

2026 йилда маҳаллаларда лойиҳавий ёндашув асосида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида юқори даромадли экспортбоқ маҳсулотлар етиштирувчи маҳаллалар сони 195 тага етказилади. Шундан 36 та маҳаллада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда аҳоли кўникмаларини ошириш учун уста-деҳқонлар ёлланади. Ихтисослашувидан келиб чиқиб 12 та маҳаллада намунали томорқалар ташкил этилади. 18 та маҳаллада аҳоли томорқасидаги энг намунали ва инновацион лойиҳалар учун грант ажратилади.

Камбағалликни қисқартришга қаратилган хизматлар билан 21 минг 628 оила қамраб олинади. Йил якунига камбағаллик даражаси 3,3 фоиз қисқартирилади.

Бу вазифаларни бажариш учун имконият ҳам, маблағ ҳам, қарорлар ҳам ва уларни назорат қиладиган мукамал ижро тизими ҳам мавжуд. Фақат қатъий интизом, масъулият ва шахсий жавобгарликни йўлга қўйиб, вилоятда ишлаш зарур.

Бунёдкорлик. Янгиланаётган Ўзбекистонимиз тобора юксалиб бораётган улкан иморатга ўхшайди. Бу биноба биттагина бўлса ҳам ғишт кўя олишининг ўзи жуда катта бахт!

Бугунги Қашқадарё улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Қурувчиларимиз азму

шижоати билан шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин чирой очмоқда, янги бино ва иншоотлар, йўللар, кўприклар, инфратузилма объектлари бунёд этилмоқда.

Утган йили вилоятимизда 7700 хонадонли 176 та кўп қаватли уй-жой қуриш белгиланган эди. Амалда 8062 хонадонли 208 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Жорий йилги уй-жой дастури бўйича 7510 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши мўлжалланмоқда.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш дастури доирасида 931 миллиард сўм маблағ ўзлаштириш ҳисобига 133 та объектада қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда мазкур дастур доирасида 1 триллион 200 миллиард сўм маблағ ўзлаштириш, 163 та объектада қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда.

Транспорт соҳасида аҳолига кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, 2025 йилда замонавий 26 та шаҳар йўловчи автобуси ва 39 та микроавтобус харид қилиниб, йўналишларга қўйилди. Қарши автошоҳбекага қуриб битказилди, 65 та оралиқ бекат ўрнатилди ва реконструкция қилинди. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида 75 та оралиқ бекат қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Жорий йилда яна 43 та автобус харид қилиниб, йўналишларга қўйилди. Яна 100 дан орტიқ замонавий автобус ва 50 та микроавтобус келтириш режалаштирилган.

2025 йилда вилоятимизда жами 1 триллион 674 миллиард сўмлик йўлсозлик ишлари бажарилди. 1391 километр автомобиль йўли ва 9 та кўприк реконструкция қилинди ҳамда таъмирланди. Жорий йилда тегишли давлат дастурлари асосида 573,1 миллиард сўм ҳисобидан 435,5 километр йўл таъмирланди ҳамда 27 та кўприк қайта қурилади.

Воҳамизда “Яшил макон” умумийлик ҳаракати доирасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳудудларимиз кўрkingа кўрк қўймоқда. Утган йили баҳор мавсумида 11 миллион 222 минг, кузда 10 миллион 364 минг туп мевали ва манзарали дархат кўчати экилди ҳамда “Яшил макон” платформасига киритилди. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 15 та яшил боғ ва 7 та “яшил” жамоат парки барпо этилди.

Вилоятда ўтган йили ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 39,8 миллиард сўм ўзлаштирилди. Президентимиз ташаббуси билан Қаршига Ҳисорак сувини келтириш бўйича улкан лойиҳага асос солинмоқда.

Туризм. Бугун меҳнаткаш ҳалқимизнинг дунёқараси, онгу шуури, ҳаётга муносабати, яшашига иштиёқи ўзгармоқда. Юртдошларимиз яхши ишлаган яхши дам олиши зарурлигини тобора кўп англаб, сўлим табиат кўйида мароқли ҳордиқ чиқариш ва саёҳатни жамоавий ҳамда оилавий аънамага айлантириб бораётгани бизни жуда қувонтиради.

Шуни инобатга олиб, “Мираки” МФЙдаги 240 гектарли “Шаҳрисабз” туристик марказида умумий 1050 ўринга мўлжалланган 2 та 3 юлдузли меҳмонхона, хостел ва савдо-кўнгулчи маркази ҳамда дор йўли, автоурагроҳ ва ресторан ишга туширилди.

Утган йили вилоятда 47 та жойлаштириш воситаси ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 406 тага етказилди. Бу қўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан 25 қарра ошган. 2026 йили 450 тага етказилади.

Шу билан бирга, Қамаш ва Китобда 3 та кемпинг, Шаҳрисабз ва Китоб туманларида 40 та капсула уйи тадбиркорлар томонидан бунёд этилди. Яна 15 та туруператорлик фаолияти йўлга қўйилиб, улар сони 66 тага етказилди. Жорий йилда яна 16 таси очилади.

“Майданак баланд тоғ” туристик марказида умумий қиймати 49,3 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Қамашда 65,7 гектар, Ғузорда 42 гектар ҳамда Шаҳрисабз тумани Ҳисорак-Ғелон йўли бўйларида 16,3 гектар майдонда туризм инфратузилмаси ривожлантирилади. Чимқўрғон ва Пачкамар сув омборлари



Натияда вилоятга 3,6 миллион маҳаллий, 604 минг хорижий турист жалб этилди. Туризм хизматлари экспорти 121 миллион долларга етди. Бу борадаги режа 118 фоиз бажарилди. 2026 йилда 3,7 миллион маҳаллий, 620 минг хорижий турист сафари ташкил этилиб, туризм экспорти қиймати 124 миллион долларга етказилади.

2024 йилда Шаҳрисабздаги “Мираки” МФЙга “Туризм маҳалла”си, ўтган йили Китобдаги Башир, Қайнар ва Шаҳрисабздаги Ғелон қишлоқларида “Туризм қишлоғи” макони берилди. Жорий йилда Китоб туманидаги Жайраҳона ва Яқкабғо туманидаги Татар қишлоғида “Туризм қишлоғи”га айлантирилди.

Қарши шаҳридаги Насаф кўчаси ва “Вантанпарвар” боғи ҳудудида 24/7 режимида фаолият юритувчи 2 та кўча ташкил этилди. Жорий йилда бундай кўчалар сони 12 тага етказиш режа қилинган. Туристар сони ошиши натиясида Шаҳрисабз — Тошкент йўналишидаги самолётлар ўтган йилдан ҳафтага 6 марта қатнамоқда.

Утган йили соҳада умумий қиймати 80 миллион долларлик 27 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Натияда туризм ва унга ёндаш соҳаларда жами 2320 та иш ўрни очилди.

Жорий йил “Шаҳрисабз” туристик марказида қиймати 500 миллиард сўмлик 13 та лойиҳани амалга ошириш, бу орқали 300 та янги иш ўрни очиб кўзда тутилган. Шаҳрисабз туманининг “Ғелон” ва “Сарчашма” МФЙларида 2919 гектарли “Ғелон” туристик-рекреацион зонаси ташкил этилди.

Қиймати 300 миллион долларлик халқаро умуммавсумий курортга старт берилиб, 4,2 миллион доллар инвестиция жалб қилинди. Келуси йилда шале шаклидаги уйлар мажмуасини ташкил этиш ва дор йўлларини қисман ишга тушириш орқали бу қўрсаткич 500 миллион долларга етказилади.

“Майданак баланд тоғ” туристик марказида умумий қиймати 49,3 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Қамашда 65,7 гектар, Ғузорда 42 гектар ҳамда Шаҳрисабз тумани Ҳисорак-Ғелон йўли бўйларида 16,3 гектар майдонда туризм инфратузилмаси ривожлантирилади. Чимқўрғон ва Пачкамар сув омборлари



асосий фаолиятига таъсир этмайдиган ҳудудларда сув туризми йўлга қўйилди. **Ешлар масаласи.** Биз учун ешлар билан ишлаш — тадбир ўтказиш эмас, балки уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш демакдир. Ешларни касбга йўналтириш, уларга замонавий билим ва технологияларни ўргатиш, иқтидорларини қўллаб-қувватлаш энди инқибоз даражаси масала эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг шахсий жавобгарлигидир.

Вилоятимизда кейинги йилларда иқтидорли, қизқиқидан келиб чиқиб, мактаб ўқувчилари учун турли лойиҳаларни йўлга қўйди. Жумладан, 3 йилдан бундан ўқувчилар ўртасида вилоят ҳокими олимпиадаси ўтказилмоқда. Вилоят ҳокими спонсорида таъсис этилди. Спорт йўналишида “Мактаблар лигаси” мусобақалари, санат, маданият йўналишида “Ижодкор ешлар” кўрик-танлов ўтказилмоқда. Ўқувчиларда АТ, робототехника кўникмаларини шакллантириш мақсадида АҚШ компаниясининг 180 минг долларлик грант маблағи жалб этилди. Мактабларда хорижий тилларни ўқитиш шифтани ошириш мақсадида АҚШ, Россия, Филиппиндан малакали ўқитувчилар олиб келинди.

Битирувчиларимизнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи 2025 йилда 50,4 фоизга ташкил этилди. Миллий ва халқаро сертификатта эга ўқитувчилар сони 3368 га етди. Янги йил арафасида 134 хотин-қизнинг олий таълим олиши учун шартнома пули тўлаб берилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2026 йил якунига қадар 3-7 ёшли болаларнинг мактабга таълимга қамрови 78, битирувчи синф ўқувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи 55 фоизга етказилади.

Вилоятда касбий таълимни такомиллаштириш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Техникум масуллари 1062 та корхона ва ташкилот билан дуал таълимни ташкил этиш бўйича шартномалар имзоланди. Ўқувчиларнинг 20 фоиз дуал таълимга қамраб олинди. Шунингдек, 6 та техникумда немис стандарти асосида касбга ўқитиш йўлга қўйилди. Лойиҳа доирасида 32 ўқитувчимиз Германияда малака оширди, 256 ўқувчи махсус тест синовлари орқали қабул қилинди.

Жорий йилда Қашқадарё илгор касбий маҳорат техникуми очилади. Унинг базасида Германия билан ҳамкорликда “Таълим ва технологиялар маркази” фаолияти йўлга қўйилди. Битирувчиларни Германиянинг турли ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштириш чоралари қўрилади. Бундан ташқари, 2 та техникумда “Хитой — Ўзбекистон устaxonаси” ташкил этилади. Дуал таълим асосида ўқинишга қамров 40 фоизга етказилади. Умумтаълим мактабларининг 21 минг нафар 9-синф битирувчиси техникумларга қабул қилинади.

**Тиббиёт.** Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Халқимиз ислоҳотлар самарадорлигига, энг аввало, тиббиётдаги ўзгаришларга қараб баҳо беради деган ёндашув соҳа ходимларини янада масъулият билан ишлашга ундамоқда.

2025 йили юқори технологик 7416 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Китоб ва Касби туманларида республикада илк бор буйрак трансплантацияси муваффақиятли бажарилди. Кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. 29 шифокор хорижий давлатларда малака оширди.



Хусусий тиббиёт ҳам жадал ривожланмоқда. Вилоятда бундай муассасалар сони 748 тага етди. Тиббий туризм салоҳияти ошмоқда. Бошқа вилоятлар, қўшни давлатлардан беморлар даволаниш учун вилотидаги нуфузли клиникаларга мурожаат қилмоқда. Рақамлаштиришга 18 миллиард сўм ажратилиб, барча тиббиёт муассасаларида ягона ахборот тизими жорий этилди.

Янги тизим йўлга қўйилган Китоб туманида тиббиёт бригадалари ва аҳоли ўртасида икки томонлама шартнома тузилди. Натияда аҳолининг бирламчи бўғинга мурожаати 30 фоиздан 70 фоизга ошди, туман ёки вилоят шифонахоналарига мурожаат 35 фоиз камайди.

Қашқадарё тажрибаси асосида тиббиёт бригадаларини рағбатлантириш йўлга қўйилгани сабабли 250 фуқарода онкологик касалликлар эрта босқичда аниқланиб, 40 миллиард сўм тежалди.

Кейинги йилларда ҳам бирламчи бўғини ривожлантириш, юқори технологик тиббий ёрдам турларини кенгайтириш, рақамлаштириш, хизматлар шаффофлигини ошириш, тиббий суғуртани такомиллаштириш устувор масаламиз бўлиб қолади. Оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, касалликларни эрта аниқлаш орқали ногиронликни кайитириш, тиббиётни янада халқчил соҳага айлантириш, одамларни ушбу тизимдан рози қилиш масаласи доимий эътиборимизда бўлади.

Аҳолининг тиббий маданиятини оширишда алоҳида эътибор қаратилади. Маҳаллада бошлб тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни ошириш бўйича амалий ишлар янада кучайтирилади.

**Инвестиция.** Аслида, четдан киритилмаган сармоя қақроқ ерга ҳаёт бағишлайдиган дарёга ўхшайди. Дарё заминга ободлик улашгани сингари хорижий инвестиция мамлакатимиз тараққиётига, пировардида одамларимиз рўзгорининг ободлигига, фаровонлигига хизмат қилади. Иқтисодий таъсирга қўйилган ҳар бир доллар сармоя тадбиркорлик ривожига, янги иш ўринлари очиб, нортдошларимиз даромадини ошириш, кўчаларимиз, маҳалларимиз қиёфасининг ўзгаришига сабаб бўлади.

200 дан орტიқ хорижий ҳамкорларнинг вилоятга сафари уюштирилди. Элчиноналар ва дипломатик корпус вакиллари билан яқин ҳамкорликда ўндан ортиқ йирик халқаро бизнес-форум ҳамда хорижий компаниялар иштирокида 80 дан зиёд учрашув ўтказилди. Малайзия ва Францияда вилоятнинг “Савдо уйлари” очилди.

Инвестиция дастурлари доирасида қиймати 2,2 миллиард долларлик 618 та лойиҳа ишга туширилди. Натияда 18 мингта барқарор иш ўрни очилди. Экспорт географияси 54 давлатга кенгайтирилди.

Вилоятда 58 та саноат зонаси ташкил этилган. 2025 йилда қиймати 228 миллиард сўмлик 40 та лойиҳа ишга туширилиб, мингта иш ўрни очилди. Масалан, “Алп техно сервис” МЧЖ жамоаси халқаро брендлар остида телевизор ва монитор ишлаб чиқариш, экспорт қилмоқда. Ушбу маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражаси 45 фоизга етди. Жамоа экспорт географиясини Озарбайжон, Қозғистон, Россия, Қирғизистонга кенгайтириб, 12 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди.



ҚАШҚАДАРЁ — АГРАР ВИЛОЯТ, ЛЕКИН ЭНДИ ЭСКИ УСУЛЛАР БИЛАН ЮҚОРИ НАТИЖАГА ЭРИШИШ БЎЛМАЙДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КЎРСАТМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, АГРАР СОҲАДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИМИЗНИ БЕЛГИЛАВ ОЛГАНМИЗ.

Жорий йилда 2 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва 1,5 баробар иқтисодий ўсишни таъминлаш режалаштирилган.

**Қишлоқ хўжалиги.** Бугун ўзига хос аъналарга эга Қашқадарё деҳқончилик мактаби тобора ривожланмоқда. Аграр соҳа тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда.

Бунинг тасдиғини ўтган йили вилотида 1 миллион тоннага яқин галла, 552 минг тонна пахта, 950 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз экинни, 347 минг тонна мева ва узум, 230 минг тонна картошка, 2,9 минг тонна пилла етиштирилгани мисолида яқоқ кўриш мумкин. Чорвачилиқда 522 миллиард сўмлик 251 та лойиҳа амалга оширилиб, четдан 15 минг бош қорамол, 50 минг бош қўй олиб келинди.

Бундан ташқари, 27 миллиард сўмлик 18 та паррандачилик, 6,1 миллиард сўмлик 6 та балчиқлик лойиҳаси ишга туширилди, 2,6 минг тонна асал етиштирилди. Соҳа ходимлари воҳамизда агротуризмни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўймоқда.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида Шаҳрисабздаги агротуризм мажмуаси билан танишиб, унинг фаолиятига юксак баҳо бергани барчамизни беҳад қувонтирди.

Қашқадарё — аграр вилоят, лекин энди эски усуллар билан юқори натижага эришиб бўлмайди. Президентимиз кўрсатмаларидан келиб чиқиб, аграр соҳада ислоҳотларни жадаллаштириш йўлида энг муҳим вазифаларимизни белгилаб олганмиз.

Аввало, минтақамизда йилдан йилга кучайиб бораётган сув танқислиги шароитида мавжуд захираларнинг тиллога тенг ҳар қатрасини қадрлашимиз шарт. Сув тежовчи технологияларни кен жорий қилиш, канал, ариқларни бетонлаштириш, сув олиш нуқталарини ўлчаш воситалари ва тўсиқлар билан оммавий жиҳозлаш лозим.

Пахтачиликда 27 минг гектар ерда хорижий навадга чигит экилгани ва “Шинжон” технологияси қўллангани натиясида юқори ҳосил олишга эришилди. 2026 йилда мазкур технология 55 минг гектарда жорий қилинамиз.

Ўғит ва сутни етиштириш ҳажминини ошириш, чорвачилиқда наслчиликни яхшилаш, хориждан зотдор молларни олиб келиб, кўпайтириш бўйича бошлаган ишимизни изчил давом эттирамиз. Янги боғ ва тоқзорлар ташкил қилиш, мева-сабзавотни қайта ишлаш, экспортини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича йирик лойиҳалар ишга туширилади.

Жойларда мурожаатлар билан ишлаш тизими ҳам мутлақо янги босқичга чиқди. Утган йили виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали фуқаролардан тушган мурожаатлар 26 фоиз камайди.

Раҳбарлар қабулини ташкил этиш, тақририй ва жамоавий мурожаатлар ҳам сезиларли даражада қисқарди. Жойларда 9000 га яқин сайёр қабул ўтказиб, 77,5 минг фуқаронинг мурожаати ўрганилди. Мурожаатларнинг 72 фоизи жойида ишобий ҳал қилинди. Қолганларига ҳуқуқий тўғрилик берилиди. Бу сайёр-харақатларимиздан тўхтаб қолмаган ҳолда мурожаат билан ишлашда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини кен жорий этишни бошлаб юбордик.

Ижтимоий ҳиём тизимидаги ислоҳотлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Илгари вилоятда ҳар уч оиладан бири ижтимоий нафақа олган бўлса, аҳоли бандлигини таъминлаш натижасида бугун нафақа олувчи оилалар улushi 7 фоизга тушди.

Жорий йил 13 март кунги Президентимиз расмисига аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида барча ҳудудлар раҳбарларига ҳар бир ариза ва шикоятни чуқур таҳлил қилиб, маҳсуллар кесимида таъмирлаш бўйича Қарши шаҳри мисолида кўрсатилган тизимни самарали йўлга қўйиб, одамларнинг оғирини енгили қилиш вазифаси қўйилди. Бу борадаги иш режалари ҳар ой маҳаллий кенашларда тасдиқланиб, аҳолига етказиб бориладиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, барча соҳада ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш, Президентимизнинг фармон ва қарорлари ижроси ортидан аҳолининг фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур шароит яратиш доимо энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.



Картошкани "иккинчи нон" дейишади. Ундан 500 дан зиёд турли таом тайёрланиши билан бирга спирт, крахмал, декстрин, глюкоза, каучук ва бошқа sanoat махсулотлари олинади. Картошқадан ажратиладиган спирт тиббиётда, крахмал эса қоғоз, тўқимачилик ва озиқ-овқат sanoatларида тенги йўқ хомашё ҳисобланади.



Таҳлил

Инсоният тараққиётини баҳолаш учун баъзан мураккаб рақамлар ёки илмий таҳлиллар шарт эмас. Шунчаки бир авлод нарига назар ташлаш kifoya. Масалан, бир замоналар ҳўкиз ва эшак қўшиб ер ҳайдаган, уруғни қўл билан сепган, хосилни ўроқ билан ўриб, хирмон қўтарган боболар даври бугун техника шовқини ортида қолди. Ер қадамлаб ўлчанган, меҳнат эса асосан жисмоний кучга таянган давр ўрнини тракторлар, комбайнлар ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланган замонавий технологиялар эгаллади. Инсоннинг меҳнати энгиллашди, вақти тежалди, хосилдорлик ортди.

## ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ: технология, билим ва барқарор тараққиёт йўли

Бироқ тараққиёт фақат қулайлик дегани эмас. Табиат билан муносабат ҳам тубдан ўзгармоқда. Илгариги тизма бўйи қорлар, серёгин баҳорлар ва барқарор фасллар энди камбە ҳодисага айланиб бормоқда. Ҳарорат йил сайин кўтарилаётганда, сув танқислиги кучаймоқда, ер унумдорлиги пасаймоқда. Натияжада озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат алоҳида ҳудудлар, балки бутун дунё миқёсидаги муаммага айланди. Энди сунъий ёғдиринг технологиялари, тупроқ таркибини аниқ ўлчайдиган ускуналар, юқори хосилдор навлар ва рақамли кузатув тизимлари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси ўзгарувчан иқлим шароитида барқарорлиқни сақлашга қаратилган.

Шу йил 23 февраль куни давлатимиз раҳбари қишлоқ ҳўжалигини махсус техника билан таъминлаш ҳамда соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш юзасидан тақдирот билан танишди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар юртимизда ҳам кенг қўламда татбиқ этилмоқда. Бугун Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигида механизациялашув даражаси 81 фоизни ташкил этиб, тармоқдаги муҳим трансформациянинг ёрқин ифодасига айланди. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, фермерларнинг меҳнатини энгиллаштириш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳам асосий омидир. Соҳадаги энгил ислохотлар тарихий ўзгаришлардан илҳомланиб, инсон ва техника ўртасидаги мувозанатни мустаҳкамлашга қаратилган.

Жумладан, сўнгги йилларда 1756 та пахта териш машинаси харид қилинган ва пахта териши механизациялашуви даражаси 52 фоизга етгани қишлоқ ҳўжалиги тарихидаги муҳим босқичдир. Уттан мавсумда машина ёрдамида 2,1 миллион тонна пахта йиғиб олинган. Бу кейинги беш йилда қўл меҳнатидан фойдаланишнинг 1,8 баробар қисқаришига хизмат қилди. Ушбу кўрсаткичлар ишлаб чиқаришда технологиядан фойдаланишнинг аҳамиятини ва инсон меҳнатини самарали тизимга айлантириш заруратини янада равшан намоян этиди.

Навбатдаги вазифа пахтани машинада териш улушини камида 70 фоизга етказишдир. Ушбу мақсад учун 2026 йилда 800 та пахта териш машинаси, шунингдек, 6000 та селжа, трактор ва комбайн харид қилиниши режалаштирилган. Умуман, йил давомида 10 мингта янги техника сотиб олиб, қишлоқ ҳўжалиги техникаларини 292 мингтага етказиш кўзда тутилмоқда. Бу ҳосилдорлиқни ошириш, технология ва билим асосида самарали ишлаб чиқаришни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Янги техникаларни фермерларга қулай шартларда тақдим этиш мақсадида халқаро молия институтиларидан 400 миллион доллар жалб қилинади. Бу маблағ орқали техника миллий валютада 2 йиллик имтиёзли давр билан 10 йилга 18 фоиз ставкада берилди. Кредит ставкасининг 8 фоизи давлат бюджетни ҳисобидан қопланади. Бундай механизм фермерларнинг молиявий юқини энгиллаштириб, замонавий техникадан самарали фойдаланишга илҳомлантириш билан бирга қишлоқ ҳўжалигида технология ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлайди.

Тақдиротда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги механизациясини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш устувор вазифа экани таъкидланди. Бу нафақат иқтисодий самардорлик, балки технология ва

билимга асосланган тараққиётнинг муҳим белгиси сифатида намоян бўлмоқда. 2026-2028 йилларда маҳаллий ишлаб чиқариладиган техника ва агрегатлар ҳажминини беш баробар ошириш, маҳаллийлаштириш даражасини эса қўшимча 10 фоиз кўтариш режалаштирилган. Бу чоралар маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлайди, ички бозорни қўллаб-қувватлайди ва миллий иқтисодиётда ўзини ўзи таъминлайдиган тизим яратишга хизмат қилади. Хусусан, 2026 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 6000 тагача, 2028 йилгача маҳаллийлаштириш кўрсаткичи ўзинор техникада 30-35, олма ва тирмақли техникада эса 60-65 фоизгача етказилиши режалаштирилган.

Техника ва агрегатларни сотиб олишдаги субсидиялаш тизими эса маҳаллийлаштириш даражаси 25 фоиздан юқори бўлган техникаларга татбиқ этилмоқда. Бу механизм фермерларнинг молиявий юқини энгиллаштириш билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини ҳам қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Шунингдек, тақдиротда талаб юқори бўлган 3 турдаги импорт техника бўйича ҳам субсидия ажратиш таклифи киритилди. Умуман, жорий йилда техника қийматининг 15 фоизини қоплаш учун 660 миллиард сўм субсидия йўналтирилиши кўзда тутилган. Мазкур сый-ҳаракатлар қишлоқ ҳўжалигида инвестицияларнинг самарали сарфланиши ва фермерлар учун замонавий техникадан қулай фойдаланиш имконини таъминлайди.


Шу билан бирга, Тошкент трактор заводи фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди. Бу ташаббус маҳаллий машинасозлик салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш ва миллий техника паркларини замонавий стандартлар асосида ривожлантириш имконини беради. Маҳаллий заводлар ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимиз технология ва инновация асосида иқтисодий мустақилликка эришишда муҳим қадамлар қўймоқда.

Қишлоқ ҳўжалигини замонавийлаштириш жараёнида нафақат техника ва агрегатлар, балки молиявий хизматлар ҳам марказий аҳамиятга эга. Тақдиротда соҳада замонавий банк хизматларини йўлга қўйиш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект асосида ечимларни жорий қилиш ишлари ҳам муҳокама қилинди.

2025 йилда "Агробанк" АТБ томонидан қишлоқ ҳўжалиги техникаси учун 1,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 3,9 триллион сўмга етказилиши кўзда тутилмоқда. Кредитлаш жараёнини автоматлаштириш натижасида фермерларга кредит бериш муддати 3 кундан 3 соатгача қисқарди. Бу эса молиявий хизматлар суръати ва самардорлигини ошириш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида фермерларнинг вақти ва ресурсларини тежаш имконини беради.

Замонавий рақамли ва сунъий интеллектга асосланган платформалар фермерларнинг комплекс хизматлардан фойдаланиш имконини кенгайтиради. Улар банк, консалтинг, мониторинг, тупроқ таҳлили, кўчат етказиб бериш, агроном маслаҳати ва ўқув курслари каби хизматлардан бир жойда фойдаланиши мумкин. Бу тизим фермерларнинг билими ва малакасини ошириш билан бирга қишлоқ ҳўжалиги соҳасида самарали ва барқарор ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Маданий картошканинг асл ватани Жанубий Америка қитъасининг Эквадор ва Перу мамлакатлари ҳисобланади. Эрамиздан 1-2 минг йил муқаддам унинг турли навлари экин сифатида ўстирила бошланган. Испанлар Перуга келганида картошкани ўзлари билан Испанияга олиб қайтган. У Испаниядан Европача тарқалган ва аста-секин ҳамма хуш кўриб истеъмол қиладиган, ўсимликка айланган.

## КАРТОШКАНИНГ ЭНГ САРАСИ ВА БОЗОРГИРИ ЯНГИҚўРҒОНДА ЕТИШТИРИЛАДИ

Картошкани "иккинчи нон" дейишади. Ундан 500 дан зиёд турли таом тайёрланиши билан бирга спирт, крахмал, декстрин, глюкоза, каучук ва бошқа sanoat махсулотлари олинади. Картошқадан ажратиладиган спирт тиббиётда, крахмал эса қоғоз, тўқимачилик ва озиқ-овқат sanoatларида тенги йўқ хомашё ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига картошканинг 63 та нави киритилган. У итузумгуллилар оиласига мансуб бўлиб, аслида, йўғонлашган илдиздир. Бугунги картошка ўзининг Жанубий Америкадаги аجدодларидан кескин фарқ қилади. Ундаги ўзгаришлар турли ишлов бериш усуллари ёрдамида вужудга келган. Одамлар ҳаминча картошканинг хосилдор, касалликларга чидамли, узок сақланадиган, ранги таъбга ўтирадиган турларини етиштиришга интилиб келган. Шунинг учун ҳам унинг энг яхши туганаклари уруғликка танлаб олинган.

Наманган шаҳридаги Чорсу деҳқон бозорида, қолаверса, барча туманлардаги бозорларда ҳам харидорлар кўпроқ Янгиқўрғон картошкасини сўрашади. Чунки бу картошканинг таъми ўзгача, узок вақт сақланади. Бунинг замирида, шубҳасиз, тажрибали деҳқонларнинг изланишлари ва машаққатли меҳнати ётади.

— Биласизми, бир замоналар бу экиннинг гулини одамлар жуда ёқтирган экан, сариқ оқ, нимшўшти гуллари учун ҳам экинган деб эшитганман, — дейди янгиқўрғонлик нуруний Муҳаммаджон Маҳмудов. — Картошкани 1860-1870 йилларда Украинадан сурғун қилинганлар биш томонларга олиб келган, дейишади. Дастлаб уни мол-қўйларга озуқа учун етиштирган. Одамлар эса картошка ўрнида шолғом, турп, сабини ишлатган. Ийлар ўтиб, у маҳаллийлаштирилган ва 1950 йиллардан Янгиқўрғонда хонаки навлар истеъмол учун етиштирила бошланган.

Шундай қилиб, галла, олма ва нок, олхўри сирасида картошка ҳам Янгиқўрғон тумани қишлоқ ҳўжалигининг энг асосий махсулотларидан бирига айланган. Туманда 68 та маҳалла ва 49 минг 377 тадан зиёд хонадон, шунингдек, 39 минг 923 та томорқа ер эгаси, 4702 та деҳқон ҳўжалиги бор.



Шунингдек, аҳоли томорқаларида уруғлик картошка етиштиришни кенгайтириш мақсадида Булоқбоши ва Говазон маҳаллалари танлаб олинди. Масалан, 2025 йилда Булоқбоши маҳалласидаги 22 хонадонга жами 1800 килограмм супер элита юқори репродукцияли уруғлик картошка етказиб берилди ва яхши натижаларга эришилди. Уттан йили Янгиқўрғон тумани ва Жанубий Кореянинг Буэо шаҳри ҳокимликлари ўртасида Янгиқўрғон туманида "K-Buyeo Guttae" ихтисослаштирилган картошка уруғлик комплексини яратиш учун асептик уруғлик картошкасини оммавий ишлаб чиқариш технологиясини трансфер қилиш бўйича келишув ҳам имзоланди. Йилнинг беш йил муддатга тузилган шартномага кўра, корейлик мутахассислар томонидан уруғлик картошка етиштириш

турибди. Масалан, 2024 йилда ҳосилдорлик гектарига 220 центнерни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 260-270 центнерга тўғри келди.

Мўл хосилни кўриб, деҳқончиликда суяги қотган, кафтедеккина томорқасидан ҳам яхшигина даромад топаётганларга таҳсинлар айтгинг келади.

Кўёрлик Собиржон Мирзараҳимов ана шундай деҳқонлардан бири.

— Тоғли ҳудудда яшаймиз, ердан бор-йўғи бир марта ҳосил оламиз, дейдиганлар энгиллашди, — дейди Собиржон Мирзараҳимов. — Мартнинг армидаёқ 5 сотих томорқамизда иш бошланади. "Бозорга янги картошка чиқибди", деган хабарнинг ўзиёқ мени шошириб қўяди. "Ерим бор, нега мен эртароқ экиб-тикмайман", дея кетмонимни қўлга оламан. Қиш бўйи асраган уруғлигимизни 4 сотихга экиб, меҳр билан парварিশлайман. Энг асосийси, қўйхонамиздан чиққан гўнг билан озиқланган ҳовлимиз серунум, тупроғи олтинга тенг. Майнинг охирига бориб ҳосил йиғиштирамиз, рўзгоримиздан ортганини эса бозорга олиб борамиз. Картошқадан бўшган еримизга июнь ойида маккажўҳори, ловия, сабзи, пилёз экामиз. Икки туп гилос, икки туп ўримиздан ҳам яхшигина даромад оламиз.

Юртимизда қишлоқ ҳўжалигида ҳам бозор механизация жорий этилмоқда. Ерининг ижарага берилиши, томорқачи ёки далачиларнинг ўз махсулотларини мустақил ҳолда сотиши, давлат буюртмалари камайиши, албатта, фермер, деҳқон ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда.

Булоқбоши маҳалласидаги "Жайланова Зумрадхон" фермер ҳўжалиги аъзолари 21 гектар ерда деҳқончилик қилади. Ерининг 7 гектари боғ, 14 гектари очик майдон. Собиржон Мирзараҳимовнинг ўз махсулотларини мустақил ҳолда сотиши, давлат буюртмалари камайиши, албатта, фермер, деҳқон ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда.

Булоқбоши маҳалласидаги "Жайланова Зумрадхон" фермер ҳўжалиги аъзолари 21 гектар ерда деҳқончилик қилади. Ерининг 7 гектари боғ, 14 гектари очик майдон. Собиржон Мирзараҳимовнинг ўз махсулотларини мустақил ҳолда сотиши, давлат буюртмалари камайиши, албатта, фермер, деҳқон ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда.

— Еримиз адир эмас, текис майдон, — дейди фермер Каримжон Жайланов. — Шундай унумдор, тупроғи зарга тенг жойдан йилга 3 марта ҳосил оламиз, уят бўлади. Деҳқончиликда алмашлаб экиннинг қони фойда экани ҳеч кимга сир эмас. Биз ҳам ёзда галлани ўриб-йиғиб олган, сифатли шудгорлик, картошка экинни бошлаймиз. Картошканинг "Лисуня", "Констанса" навларини экиб, агротехника тадбирларини ўз вақтида бажарамиз. Бу нав сифати, таъми билан бошқалардан ажралиб туради. Ун йил муддат Нидерландиянинг "Санта" навини экидик, кейинчалик уруғликни янгилаш, ёшартириш зарурияти пайдо бўлди.

Фермернинг айтишича, экинни сувдан камситмаслик, маҳаллий ўғит ва карбамид, сульфат аммоний вақтида минерал ўғитларни меъёрида бериш, чопчиқларни вақтида ўтказиб, ҳосил қушандаларига қарши курашиш мўл ҳосил гарови.

— Уттан йили 80 кунлик меҳнатини ўз самарасини берди, гектаридан 35 тоннадан ҳосил олддик, — дейди фермер. — Бироқ бу натижа 2024 йилдагидан кам. Боси, 11 июнда ёққан дўл ўз таъсирини кўрсатди, лекин биз тушқунликка тушмадик. Экинни 12 марта обихаётга қондирдик.

Фермер даласида сувдан муаммо йўқ, 2 та артезиан қудуги сувидан фойдаланади. Фермер деҳқоннинг қанотига айланган, оғирини энгил қиладиган қишлоқ ҳўжалиги техникаларини сотиб олишга ҳам эришмоқда. Картошқадан 500 миллион сўм даромад олингани эвазига ўйланган режалар рўёбга чиқди.

— Жорий йилда ҳам олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз, — дейди Каримжон Жайланов. — 9 гектарга картошка экамиз, даромадимизни 1 миллиард сўмга етказишни мўжлавланмиз. Узимизнинг ертўламизда 40 тонна сара уруғлик галлаб қўйганмиз.

Фермер жорий йилнинг августигача 100 тонна махсулот сақлайдиган ombорхона қуриб ишга туширмоқчи. "Сифатли, сара уруғдан мўл ҳосил яралади, фермер учун, биринчи навбатда, замонавий, барча қулайликларга эга бўлган музлаткич ombор бўлиши жуда муҳим", дейди у.

Иқлимни нисбатан совуқ, тоғлар қуришвидидаги қилизёни, Кўёр маҳаллаларида ҳосилни сақлаш бўйича алоҳида тажриба мактаби бор. Демокчиликчи, аҳоли ўз томорқасида етиштирган махсулотини ертўлада сифатли сақлаб, "иккинчи қўлга" бермай, ўзи сотади, даромад топади. Бу ҳам деҳқончиликнинг бир ташти.

Хозир Янгиқўрғон туманида мева сақланадиган 48 та замонавий музлаткич ombорхона қурилмоқда. Шулардан энг йиринги — "Туркистон-Содокат бахт-кино" агрофирмаси ҳудудидидаги "Испомжон-Бахромжон-Илҳомжон" фермер ҳўжалигига қарашли ombорхона. Ушбу ombорхона ҳўжалик раҳбари Илҳомжон Тоғоев банкдан имтиёзли кредит олиб, 2020 йилда қуриб, ишга туширди. Унинг 8 тонна ҳосил бўлиб, ҳар бирини 100 тоннадан махсулот сақлаш имконияти мавжуд.

Айни кунларда ҳўжалик ишчиларининг юмуши қўпайган. Кимдир истеъмол учун махсулот олгани ташриф буюрса, кимдир уруғлик картошка сўраб келади. — 2025 йилда ombорхонага 1000 тоннадан ортқ картошка қўйгандик, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Илҳомжон Тоғоев. — Фермер ва томорқачилар бизга махсулотини олиб келганда, улардан энг биринчи талабимиз, саралангани-йўқини, шунини сўраш бўлади. Чунки қўлдан ўтказилган махсулот ombорхонада сифатли, узок вақт чирмай, сўймай туради. Бизга асосан Говазон, Хадикент, Исковот қишлоқларидан махсулот келади, ombорларимизда "Констанса", "Аризонна" сингари навлар сақланмоқда. Чуст, Норин туманлари, Андижон вилоятининг Балиқчи туманидан харидорлар келиб, уруғлик картошка олиб кетаяпти. Биз хизмат кўрсатётган фермерларимиз ҳам, бошқа туманлардан келатган харидорлар ҳам хурсанд.

Баҳорнинг муаттар нафаси янгиқўрғонлик фермер ва деҳқонларнинг даласида ҳам уфуриб қолди. Картошка етиштирувчи деҳқонлар кич бўйи эҳтиёт қилиб сақлаган уруғлигини саралаш, экин учун ер ҳозирлаш тадбирини кўрмоқда. Насиб бўлса, бу йил ҳам картошканинг энг сараси ва бозоргири Янгиқўрғонда етиштирилади.

Дилбар АСҚАРОВА, Равшанбек МИРЗОЛИМОВ, журналистлар

Муҳокама марказида

Бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими туб бурилиш палласига кирди. Соҳадаги изчил ва мақсадли ислохотлар энг чекка ҳудудлардаги тиббиёт масканларининг қиёфасини ҳам тубдан ўзгартирди. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасидаги давлат дастурлари ижобий натижаларини бера бошди. Албатта, бу ютуқлар халқимизнинг соғлом келажаги учун қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Халқаро тажрибалар асосида тизимни такомиллаштириш ва мамлакатимиз аҳолиси малакали тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиши учун замонавий ёндашувларни жорий қилиш энг долзарб вазифаларимиздан.

Мутахассисларга кўра, ҳар йилги туғилишлар сони қарийб бир миллионга етаётган бир вақтда болаларга хизмат кўрсатувчи тахминан 3 минг шифокор етишмайди. Болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда тизимга тушаётган юклама юқорилиги хизматлар сифатли ва самарали бўлишига табиий равишда таъсир қилмоқда.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИГА БОҒЛИҚ

Юртимизда тиббиёт кадрларини тайёрлаш учун махсус тизим яратилган. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг 6 йиллик бакалаврият босқичида таълим олган "Педиатрия иши" йўналиши битирувчилари, яъни болаларга тиббий хизмат кўрсатадиган кадрлар умумий амалиёт педиатри мутахассиси сифатида фаолият юритиши мумкин. Дипломдан кейинги таълимда эса клиник ординатура ва магистратура мутахассисликлари орқали ихтисослашган тор соҳа мутахассислари, яъни болалар жараҳатлари, кардиолог ва кардиожараҳатлари, неврологлари, психиатрлари, стоматологлари ва юқумли касалликлар шифокорлари тайёрланади.

Мамлакатимизда ҳам айтиб ўтилган, ҳар йилги туғилишлар сони қарийб бир миллионга етаётган бир вақтда болаларга хизмат кўрсатувчи тахминан 3 минг шифокор етишмайди. Болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда тизимга тушаётган юклама юқорилиги хизматлар сифатли ва самарали бўлишига табиий равишда таъсир қилмоқда. Бундай демографик шароитда болалар тиббиётига алоҳида ёндашув ва эътибор талаб этилиши табиий.

"5+1" форматига ўтказиш назарда тутилган. Ушбу модель 5 йиллик умумий тиббий таълим ва 1 йиллик амалиётни (стажировка) ўз ичига олиб, асосий мақсад сифатида оилавий шифокорлар тайёрлашга қаратилган. Тизимда "Даволаш иши" ва "Педиатрия" таълим йўналишлари бирлаштирилиб, "Умумий тиббиёт" ихтисослиги шакллантирилиши мумкин. Натижада талабалар 1-курсдан болалар тиббиётига ихтисослашган ҳолда эмас, балки барча ёш тоифалари учун умумий тайёргарлик кўради. Бир қарашда бу универсаллашув ижобий кўринса-да, мутахассислар фикрича, мазкур ёндашув жиддий хавфларни келтириб чиқариши эҳтимолидан холи эмас. Хусусан, болалар тиббиётига ажратилган соатлар қисқаради, неонатология, бралар физиологияси, болалар касалликлари пропедевтикаси ва болалар фармакологияси каби муҳим йўналишларда билим чуқурлиги пасаяди, эрта тахшис қўйиш имкониятлари чекланади. Бу эса касалликларни оғирлаштириши ва стационарларга юклама ортишига олиб келиши мумкин.



Педиатрия алоҳида клиник мактаб ҳисобланади. Шу сабабли болалар касалликларини эрта босқичда аниқлашда педиатрларнинг ўрни беқисс. Илгари олинган тажрибалар ҳам бунинг тасдиғидир. Масалан, 1990 ва 2000 йиллар бошида қилшқоч врачлик пунктлари ва умумий амалиёт шифокорлари тизим жорий этилган, аммо бу жараён болалар касалликларини кеч тахшислаш, мураккаб ҳолатлар сони ортиши ва стационарларга ортинча юклама каби муаммоларни келтириб чиқарган. Худди шундай ҳолатлар бошқа давлатларда ҳам кузатилади. Масалан, Қозғоғистонда 2007 йилда педиатрия факультетлари тугатилган ва умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш тизимига ўтилган. Аммо 10 йилдан сўнг — 2017 йилда педиатрия факультетлари қайта

тизимни шомша-шошарлик билан бекор қилиш мақсада мувофиқ эмас. Аксинча, мавжуд педиатрия ва даволаш иши таълим йўналишларини сақлаб қолган ҳолда янги таълим йўналиши бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, унга талабаларни танлов (имтиҳон) асосида қабул қилиш ва битирувчилар фаолиятини амалий жиҳатдан ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фақат шундан кейингина, яъни янги тизим ўзини амалда оқласа, ижобий натижалар берса ва мавжуд таълим йўналишларига нисбатан устуниги исботланса, педиатрия ва даволаш иши таълим йўналишларини босқичма-босқич ушбу оилавий шифокорлик тизимига мувофиқлаштириш мумкин. Бу ёндашув, бир томондан, бугунги кунда педиатрия ва даволаш иши таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларнинг ўқиш жараёни узлуксиз давом этишини таъминлайди, иккинчи томондан, янги тизимнинг самарадорлигини амалда синовдан ўтказиш имконини беради.

Мутахассислар фикрича, бундай ислохотлар қанида 10-15 йиллик ўтиш даврини талаб қилади. Шу вақт давомида ўқув дастурлари қайта ишланиши, ўқиш-тувчилар қайта тайёрланиши, клиник база мустаҳкамланиши ва мустақил баҳолаш тизими жорий этилиши керак. Турли амалий тажрибаларни ҳам синовдан ўтказиш имкони мавжуд. Масалан, ҳар 3 та оилавий шифокор бригадасига 1 та педиатр-консультант бириктириш моделини жорий этса



тикланди. Ушбу тажриба болалар касалликларини аниқлаш сифати пасаёиши, ота-оналар норозилиги, болалар шифохоналарида кадрлар танқислиги ва болалар ўлими кўрсаткичлари ортиши каби сабабларга асосланган. Бу шундан далolat берадики, педиатрияни умумий тиббиёт билан тўлиқ алмаштириш ҳар доим ҳам самара бермайди.

Айни пайтда соҳадаги муаммолар фуқаролар мурожаатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, дшөн мушак дистрофияси билан касалланган болаларнинг ота-оналари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир неча бор мурожаат қилинган. Ушбу мурожаатлар тор ихтисослик шифокорлари етишмаслиги, дори-дармон билан таъминлашда узилишлар, реабилитация ва палиатив ёрдам масалаларини ўз ичига олади.

Янги оилавий шифокорлик таълим йўналишини жорий этиш зарур. Бироқ жойларда ушбу йўналиш учун тўлиқ шарт-шароит ва инфратузилма яратилгунга қадар амалдаги

бўлади. Бу орқали мураккаб ҳолатларни педиатр кўради, эмлаш ва профилактика назорати кучаяди ҳамда оилавий шифокорлар учун методик ёрдам таъминланади.

Тиббий таълимни ислоҳ қилиш, шубҳасиз, зарур жараён. Бироқ ҳар қандай тиббий ислохотда асосий мезон бемор хавфсизлиги, айниқса, болалар саломатлиги бўлиши лозим.

Демография, болалар улushiнинг катталиги ва педиатрларга ўсиб бораётган юқори эҳтиёж шароитида педиатрия таълим йўналишини тўлиқ бекор қилиш ёки уни умумий тиббиётга кескин қўшиб юбориш жиддий хавфларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун қарор лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида педиатрия таълим тизимини сақлаб қолиш, оилавий тиббиёт билан ўйлаштириш алоҳида алоҳида эътибор қаратиш мақсада мувофиқ. Зотан, болалар саломатлиги нафақат тиббиёт соҳаси, балки миллат келажаги масаласидир.

ИНСОН ТАҚДИРИГА ДАҚЛДОР КАСБ ёхуд меҳр-оқибат ва ижтимоий адолат жонкуварлари



Ҳар йили март ойида инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва ижтимоий адолат ғояларини ўзида муҷассам этган муҳим сана — Халқаро ижтимоий иш куни кенг нишонланади. Ушбу касб байрами жамиятнинг энг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам бериш, инсон қадр ва ҳуқуқларини ҳимоялаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган минглаб ижтимоий ходимларнинг хизматларини эътироф этишга қаратилган.



Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги юридик бўлими бошлиғи

Ижтимоий ходимлар кўпинча жамиятда кўринмас, аммо ниҳоятда муҳим вазифани бажарди. Улар инсонни энг қўйин ҳаётини вази-ятларда ёлғиз қолдирмаслик, ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий кўмак бериш орқали ҳаётга ишончини тиклашга ёрдам беради. Халқаро профессионал ҳамжамият ташаббуси билан жорий этилган мазкур байрам дунё миқёсида ҳар йили март ойининг учинчи сешанбасида ўтказилади. Бугунги кунда ҳамжамият таркибига 140 дан ортиқ давлат кирди. Бу мамлакатларда фаолият юритаётган юз минглаб ижтимоий ходимлар аҳолининг турли қатламлари, хусусан, болалар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир ҳаётини вази-ятдан тушган оилалар, зўравонликдан жабр кўрганлар ҳамда кўмакка муҳтож бошқа инсонларга ёрдам кўрсатиб келмоқда. Уларнинг фаолияти жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро миқёсда мазкур кун ижтимоий ишнинг жамият ҳаётини ўзини кенг тарғиб этишга хизмат қиладиган муҳим майдон сифатида ҳам қаралади. Масалан, ҳар йили бу сана муайян мавзулар остида ўтказилиб, унда ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замонавий ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган тизимга айлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу ислохотлар марказида эса ижтимоий иш институти шакллантириш ва уни касбий даражада ривожлантириш масаласи туради. Илгари ижтимоий ёрдам асосан турли идоралар орқали тарқоқ ҳолда кўрсатилган бўлса, бугунги кунда манзилли ижтимоий хизматлар тизими шаклланди. Энг муҳими, ижтимоий хизматлар

Кун мавзуси

одамлар яшайдиган жойга — маҳаллага яқинлаштирилди. Маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар оилаларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, муаммоларини ўрганиш, уларни давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар билан боғлашда муҳим ўрин тутди. Бу борада маҳалларда ижтимоий ходим институти шакллантирилиб, у аҳоли билан бевосита ишлайдиган, оилаларнинг ҳолатини ўрганадиган ва зарур хизматларни ташкил этувчи бўлиши айланди.

Шунингдек, мазкур соҳада рақамли технологияларни жорий этиш орқали хизматларнинг шафдофлиги ва самарадорлиги янада оширилмоқда. Бугунги кунда ижтимоий хизматларнинг катта қисми ахборот тизимлари орқали автоматлаштирилган тарзда юритилаётган. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқлаш, уларга хизматларни тайинлаш ва назорат қилиш жараёнида рақамли платформалар асосида йўлга қўйилган.

Аҳоли учун онлайн мурожаат қилиш имкониятлари ҳам кенгайтирилди. Бу эса фуқароларга давлат органларига бевосита мурожаат қилмасдан туриб ҳам ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконини берди. Хусусан, "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари 29 тага оширилиб, 134 тага етказилди. Айниқса, ўзгалар парварлиги муҳтож ёлғиз кексалар, шунингдек, таъзиқ ва зўравонликка учраган аёллар учун кўрсатиладиган хизматлар анги — композит шаклда ташкил этилди. Ушбу механизмга мувофиқ, фуқаро бир марта мурожаат қилиши ёки битта ариза тақдим этиши орқали унга зарур бўлган барча кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу ислохотлар марказида эса ижтимоий иш институти шакллантириш ва уни касбий даражада ривожлантириш масаласи туради. Илгари ижтимоий ёрдам асосан турли идоралар орқали тарқоқ ҳолда кўрсатилган бўлса, бугунги кунда манзилли ижтимоий хизматлар тизими шаклланди. Энг муҳими, ижтимоий хизматлар



этимасдан, автоматик тарзда тайинланиш механизми йўлга қўйилди. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали аҳоли учун 30 турдаги ижтимоий хизматга онлайн ариза бериш имконияти яратилди. Натижада ижтимоий хизматлар тизимида инсон омилини камайтириш, қарорларни адолатли ва холис қабул қилиш ҳамда ёрдамни ҳақиқатан муҳтож бўлганларга етказиш тизими такомиллаштирилди. Мамлакатимизда ижтимоий иш соҳасидаги яна бир муҳим янгилик ижтимоий ходимлар фаолиятини баҳолашнинг замонавий тизимини жорий этиш бўлди. Хусусан, ижтимоий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида ижтимоий ходимлар учун КРП — асосий самарадорлик кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим билан ижтимоий ходимларнинг фаолияти, хизматлар сифати ва аҳоли билан ишлаш натижалари тизимли равишда баҳоланмоқда. 2024 йил ҳолатига кўра, ижтимоий хизматлар тизимида жами 9 мингдан ортиқ штат бirlиги мавжуд бўлиб, шундан 4 минг ходим учун рағбатлантириш кўрсаткичлари ҳисобланиб, 3,7 минг нафари рағбатлантирилди. 2025 йил ақунга келиб эса ижтимоий ходимларнинг 8 минг нафари рағбатлантирилган. Бу эса ижтимоий ходимлар фаолияти самарадорлиги

ва баҳолаш тизими қамрови изчил ошганини кўрсатади. Юртимизда ижтимоий иш мустаҳкам илмий-методик асосга сифатида эга бўлган мустақил профессионал соҳа сифатида ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Тизимни модернизациялаш жараёни ижтимоий иш илмий жиҳатдан асослаш, унинг назарий ва методик базасини шакллантириш ҳамда амалиётга таътиқ этиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Соҳада илмий тадқиқотлар, методик қўлланмалар ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича тизимли ишлар қилинди. Ижтимоий ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш, касбий компетенцияларини мустаҳкамлаш ҳамда амалиётда ягона ёндашувларни шакллантириш мақсадида кенг қамровли илмий-методик база шаклланди. Соҳада муҳим ўрин тутадиган супервизия институти ривожлантириш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилди. Супервизия ижтимоий ходимларнинг касбий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, малакасини мунтазам равишда ошириш, мураккаб ҳолатлар билан ишлашда методик ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий хизматлар сифатини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим профессионал механизм

ҳисобланади. Мазкур институт ижтимоий ходимларнинг касбий барқарорлигини таъминлаш, эмоционал толиқининг олдини олиш ва уларнинг самарадорлигини оширишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу йўналишда тайёрланган "Ижтимоий ишда супервизия" мавзусидаги илмий қўлланма халқаро миқёсда эътироф этилди ва унга халқаро ISBN рақами берилди. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда ижтимоий иш соҳасида яратилаётган илмий нафақат миллий ишлар даражада, балки халқаро академик майдонда ҳам та олинаётганини яқоқл манабидир.

Методик таъминотни мустаҳкамлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2025 йилда ижтимоий хизматлар кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган 12 та методик қўлланма ва услубий тавсия ишлаб чиқилди. Мазкур методик материаллар ҳамжамиятларини мустаҳкамлаш ва ижтимоий фаровонликни ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда тайёрланиб, амалиётга илмий ёндашувларни жорий этишда қўл келди. Методик қўлланмаларга универсал классификация тизимига мувофиқ УДК (универсал ўнлик классификацияси) рақамлари берилган уларнинг илмий жиҳатдан расмийлаштирилгани, академик талабалар ва халқаро библиографик стандартларга мувофиқ тайёрланганини кўрсатади. Бу методик материаллар ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий диагностика ўтказиш, оилалар билан ишлаш, болаларни ҳимоя қилиш, зўравонликдан жабр кўрган шахсларга ёрдам бериш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, маҳалла даражасида ижтимоий ишни ташкил этиш каби муҳим йўналишларни қамраб олган.

Ҳар қандай жамиятнинг барқарор ривожланиши ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари ва аҳоли фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда ижтимоий ходимлар нафақат ёрдам кўрсатуви мутахассислар, балки инсон ҳаётига ижобий ўзгариш киритувчи, оилаларни қўллаб-қувватловчи ва жамиятда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамловчи муҳим касб эгалари сифатида эътироф этилаётган беҳиз эмас. Маҳаллаларда фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар ҳар бир оиланинг ҳолатини ўрганиб, улуга зарур психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий хизматларни ташкил этиш орқали минглаб инсонларни ҳаётда ижобий ўзгаришлар яратмоқда. Шу маънода, ижтимоий ходимлар фаолияти жамиятнинг барқарор келажагини шакллантиришга қаратилган миссия ҳисобланади. Айтмоқчимизки, ижтимоий ходимлар ўз касби билан фахр-равишда тула ҳақли. Зеро, уларнинг меҳнати орқали жамиятда инсон қадрини янада юксалиб, меҳр-оқибат ва ижтимоий адолат тамойиллари тобора мустаҳкамланмоқда.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ТАРИХИНИ ЁЗАДИГАНЛАР



24 март куни "Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари" ҳамда Президент Олимпиадаси мусобақаларининг 2026 йилги мавсуми расман бошланди. Бу йилги мусобақаларга қўшимча равишда Паралимпиада бешта спорт тури қўшилди.

## "Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари" ва Президент Олимпиадаси мусобақаларига старт берилди

Миллий терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатига йўланмани қўлга киритгани барча юртдошларимиз қалбини фахрийфторга тўлдирди.

Албатта, бунда спортчиларимизнинг мардлиги, юксак маҳорати ва сўнмас ирода-си муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ютуқлар туб замирида тизимда кўпчилик назардан четда қоладиган ўзгаришлар — спортдаги ортага қайтмас ислохотлар, ҳаётга татбиқ этилаётган янгиланиш ва турли лойиҳаларнинг самараси катта.

Эришилган ютуқлар ўзимизники, албатта. Эндиги вазифа эса ушбу кўрсаткичларни сақлаб қолиш, янада юқори даражага кўтариш ҳисобланади. Спорт усталари табири билан айтганда, ғалаба қозониш қийин, ammo уни сақлаб қолиш, янада яхшилаш кар-расига машаққатли.

Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йил 13 февралда кунли олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чора тadbирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йўналишида 2028 йилги Лос-Анжелес Олимпиадасида кучли ўнтакка кириш учун тайёргарликни кучайтириш бўйича янги лойиҳа ва таклифларни илгари сурди.

Худудларда ўтказилган "Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари" мусобақалари тизимини йўлга қўйиш шулардан бири. Мусобақанинг вилоят босқичи голиблари ҳар йили декабрь ойида Олимпия шаҳарчасида



ўтказилган Президент Олимпиадасида иштирок этиши белгиланди. 2025 йил 8 июлда Президентимизнинг "2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёғи Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Хўжатда тайёргарлик йўналишлари ва талаблари белгиланди.

Мусобақа очилиш маросимидаги нутқда "Бундай йирик мусобақалар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, катта маҳорат мактаби бўлади, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик дубри сифатида халқаро обрў-эътиборини янада оширади. Президент Олимпиадаси тизими эса, ҳеч шубҳасиз, бундай мусобақаларга жаҳоғир спортчиларини танлаб олишга, хусусан, 2028 йилда Лос-Анжелесда ўтадиган Олимпия ўйинлари учун ҳар бир худуддан лицензиялар сонини кўпайтиришга хизмат қилади", деганди.

Мусобақанинг республика босқичида сараланган спортчилар спорт-таълим ташкилотлари ҳамда йўналишлар бўйича миллий терма жамоаларга захира сифатида тайёрлаш учун йўналтирилди. Хусусан, 1- ва 2-ўринларни қўлга киритган спортчилар Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига, 3-ўринни қўлга киритган спортчилар ҳудудий Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига юборилди. Бундан ташқари, зафар кўчган ёш спортчилар уй, автомобиль каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Республика миқёсида оммавий ўтказилган ушбу мусобақалар нафақат Олимпиадага тайёргарлик кўриш, балки жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, аҳоли орасида оммавий спорт турларини омалаштиришга ҳам хизмат қилади. Жумладан, мусобақада ўтган йили 100 мингга яқин ўғил-қиз иштирок этган бўлса, бу йил иштирокчилар бир неча баробар кўпайиши кутилмоқда. Боиси,



2025 йилда мусобақа спортнинг 10 тури бўйича ўтказилган бўлса, бу йил уларнинг сони 21 тага етган.

Финал Олимпия шаҳарчасида ўтказилиши мусобақа нуфузини янада оширади. Зеро, бу ердаги спорт иншоотлари халқаро мусобақалар талабларига тўлиқ жавоб беради. Бир сўз билан айтганда, ушбу мусобақа умидли спортчи ёшларимиз учун халқаро майдонларда муваффақиятга эришиш йўлида самарали тажриба майдони бўлиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

## Камолот пиллапояси

Спортда рекордлар ўзгариши, энг аввало, чекловлар нисбий эканини исботлайди. Бир вақтлар имконсиз деб қаралган марра кейинги авлод учун эришса бўладиган мақсадга айланади. Масалан, қанчадир масофани муайян вақтда босиб ўтиш ёки маълум бир оғирликни кўтариш каби кўрсаткичлар дастлаб инсон танаси учун чегарадан кўринган. Лекин биргина спортчи бу чегарани бузиши билан бутун дунё аҳлининг қарашини ўзгаради.



Қизғин, ўзгариш фақат спорт билан чекланмайди. У илим, маърифат, санъатга ҳам кўчади. Одамлар мураккаб вазифаларга босқича нигоҳ билан қарай бошлайди. Юқори натижаларга эришган спортчи голиб ўлароқ янги меъёр яратган. Босқичлар эса ўша меъёрни бошланғич нукта сифатида қабул қилади, умумий даража кўтарилади. Бу жамоавий ондаги силжишдир: бир одамнинг жасорати минглаб одамларнинг ўзига ишончини оширади.

Бундай инсонлар стереотипларни буткул парчалаб ташлайди, ўзидан кейинги авлоднинг руҳлантиради. Ёш авлод ҳам айнан уларнинг ортидан бориши, мана шундай юксак натижаларга эришишни истайди. Бир кун келиб, рўпарам-рўпара турганча елкасига баракала-ла дегандек қўқиб қўйишни орзу қилса, не ажаб. Энди тасаввур қилинг, ўша ўғил-қизлар ўз қаҳрамони билан ҳар кунни кўришиб, бирга машғулот ўтказса, мактабида ўқиб, бевосита сабоқ олса, қандай ўзгариш содир бўлади?! Бугун Олимпия ўйинлари голиби, уч карра жаҳон чемпиони, олимпия рекордчиси ва "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби Акбар Жўраев номи билан

аталувчи спорт мактабида машғулот ўтаётган ўғил-қизлар учун бу тез орада кундалик турмуш тарзига айланиб улгуриши аниқ. Қўни кеча давлатимиз раҳбари ташаббуси ва кўрсатмаси асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Сойлик қишлоғида барпо этилган Акбар Жўраев оғир атлетика спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Ушбу бунёдкорлик нафақат сойликликлар, балки бутун Тошкент вилояти аҳлига, халқаро спорт майдонида оғир атлетика спортга меҳр қўйган миллионлаб инсонлар қалбига ифтихор бағишлагани бор гап.

Пойтахтимиздан қарийб 100 километр наридаги мўъжаз қишлоқда халқаро талабларга жавоб берадиган бетакдор замонавий спорт мажмуаси қад ростлаши жаҳон олимпия тизимида ўзига хос янгилик сифатида эътироф этилди. Хусусан, бундан икки ой муқаддам юртимизга ташриф буюрган Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Муҳаммад Жолуд ушбу масканнинг қурилиш жараёни билан танишиб, ҳали ҳеч бир мамлакатда оғир атлетика спорт турига ихтисослашган,

# Бўлажак зафарларнинг яна бир манзили

профессионал спортчи номидаги бундай ноёб спорт мажмуаси бунёд этилмагани, Ўзбекистонда бу амалиёт ҳаётга татбиқ этилаётганида чуқур инсонпарварлик ғоялари мужассамлигини таъкидлаган эди.

Ташриф доирасида Халқаро оғир атлетика федерацияси ҳамда Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган, унга мувофиқ, келгусида Акбар Жўраев номидаги оғир атлетика спорт клубида халқаро семинарлар, ўқув-йиғин машғулотлари ҳамда тажриба алмашишга қаратилган нуфузли тadbирларни ташкил этиш белгиланган эди. Бу мамлакатимизда оғир атлетика спорт турини янада ривожлантириш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

2025 йили ўзбекистонлик оғир атлетикачи Акбар Жўраев Норвегиянинг Форде шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида учта олтин медалга муносиб кўрилган ҳамда уч карра жаҳон чемпиони бўлган эди.

Бир йил олдин 110 килограммга вази тонфасидигилар беллашувида қатнашган спортчи барча йўналишда олтин медални қўлга киритди. Хусусан, у даст кўтариш машинада 196 килограмм натижа билан жаҳон рекордини ўрнатди. Силтаб

кўтаришда эса 232 килограмм натижа қайд этиб, тенгсиз бўлди. Ҳар икки йўналишда ва 428 килограмм кўрсаткич билан умумий йўналишда биринчи бўлиб, жами 3 та олтин медалга эга чиқди. Бу Акбар Жўраевнинг учинчи марта жаҳон чемпиони бўлиши эди. Бунгача у 2021 йили Тошкентда ва 2023 йили Ар-Риёдада ўтказилган мусобақаларда ҳам голиб чиққан.

Ўзбек спорт тарихидаги энг сермаҳсул атлетлардан бири номидаги оғир атлетика спорт мактабининг пурвиқор тоғлар қўйнида барпо этилишида ўзига хос маъно мужассам. Ушбу масканнинг мусафо ҳавоси, сўлим табиати спортчиларга куч-қувват бағишлаши, спорт туризми ривожига салмоқли ҳисса қўйиши табиий. Қисқа муддатда бунёд этилган ушбу объект қурилишига Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси қарийб 25 миллирд сўм йўналтирди.

Юртимиз кўригига кўрк бўлиб қўшилган ушбу мактаб халқаро талабларга мос равишда бунёд этилди. Замонавий спорт анжомлари, ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Учта машғулот зали, жисмоний чиникш учун стадион, мажлислар, тиббиёт ва услубчилар, мураббийлар хоналари, сузиш ҳавзаси, ётоқ биноси кабиларни қамраб олган бундай мажмуанинг барпо этилиши оғир атлетикачилар учун нафақат шугулла-



ниш, балки маҳорати ва назарий билимини мустаҳкамлаш имконини бериши билан аҳамиятли.

— Қонимизда голиблик руҳи, алпик қуввати бор, фақат буларнинг шаклланиши, юзага чиқиши учун муносиб шароит ва тизимли ёндашув керак эди, — дейди Акбар Жўраев. — Мана, шундай бўлди ҳам. Ушбу спорт мактабининг ташкил этилиши кенг маънодаги ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинди. Боиси, бутун биз — спортчиларга, шунингдек, бу маскан олдида қўйилган вазифалар ёш авлод жисмонан чиниктиришдан тортиб, маънавий-руҳий камолот сари етаклашгача бўлган кенг ўфқларни қамраб олади. Давлатимиз томонидан замонавий моддий-техник базани яратиш чора-тadbирлари дунё билан ҳамқадам эканимизни ифода қилади. Зотан, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган иншоот ва жиҳозлар жаҳон билан тенг бўлишга олиш имкониятига эгаллигимизни билдиради. Ўзбекистонда ҳам ёш атлетлар худди Токио, Париж ёки Нью-Йоркдаги спортчиларникидек шароитда машқ қиляптими, демек, улар ўз олдида худди шундай юксак марраларни қўйишга ҳақли бўлади. Бу эса халқимиз орзу-ниятини амалий ҳақиқатга айлантиришнинг муҳим босқичидир. Шу жиҳатдан қараганда, халқаро мусобақаларда — Олимпия ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида байроғимизни билади кўтаришга қодир спортчиларни тайёрлаш миллий ўзлик, шарқона гурур инфодаси ўлароқ, халқимизнинг дунё олдиди ўз сўзини айти олиш қудратини аниглади. Ушбу спорт мактабининг келажақдаги муваффақиятлари бугунги тизимли меҳнатнинг манткий меваси бўлиб, у ерда шаклландиган зафарлар кетма-кетлиги яқин йилларда жаҳон спортчи харитасида янги саҳифалар очади. Бунга ишончимиз комил.

Спорт мактаблари олдида қўйилган вазифалар бир қарашда соҳа доирасинингизга қамраб олгандек кўринса-да, аслида, улар

Азизбек ЮСУПОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

QR code and text: ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346. 31346 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов Мусахҳиж: Малоҳат Минғобоева Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй